

Шоираи замонамиз Анна Андреевна Ахматова тарихий фожиаларни акс эттирган шеърларидан бирида: «Эрим гўрда, ўглим турмада — менга дуо беринг», деб илтижо килган эди. Чунки шоиранинг факат гўзал хис-туйгулари эмас, балки нозик вужуди хам зўравон замоннинг пошналари остида аёвсиз топталади: эри Николай Гумилёвни 1921 йилда большевиклар отиб ташлайди, ўгли эса...

Левушка (арслон боласи) 1912 йилнинг 1 октябрь куни тугилади. Онаси Анна эндигина 23 ёшга тўлган эди. Такдир хазилини карангки, Лев 23 ёшга тўлганда уни большевиклар авахтага ташлайди. 1935 йилнинг 22 октябрь куни Ленинград Давлат университетининг тарих факультетида тахсил кўраётган Лев Гумилёв «аксилшўравий террорчилар гурухининг аъзоси» сифатида хибсга олинади. Мислсиз азоб-укубатлардан сўнг Анна Ахматова Сталинга хат киритишга эришади ва «дохийнинг мехр-шафкати» билан 1935 йилнинг 4 ноябрь куни Лев камокдан озод бўлади.
1938 йилнинг 10 март куни эса Лев Гумилёв гўёки «ЛДУдаги ёшларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо бўлгани учун» иккинчи марта камалади. Ленинград харбий округи трибуналининг карорига мувофик Лев Николаевич ўн йил муддатга озодликдан махрум этилади. Аммо, «адолатпарварлик»ни кўрингки, 1938 йилнинг 17 ноябрь куни СССР Олий судининг харбий хайъати ўша хукмни бекор килиб, жиноий ишни кайта терговга жўнатади. 1939 йилнинг февраль-май ойларида бўлган кайта тергов жараёнида Лев Гумилёв айбдор эканини мутлако бўйнига олмайди, терговчилар эса унинг айбини исботлай олмайди, гўё «инкилобий вазият» вужудга келади. Шундай бўлса-да, НКВД хузуридаги махсус кенгаш карорига биноан Лев Гумилёв беш йил муддатга озодликдан бенасиб килинади.
Лев Гумилёв сургундан тўппа-тўгри Иккинчи жахон урушининг кайнок жабхасига жўнаб кетади. Урушда ўзини кўрсатади, бир неча марта такдирланади.
Лекин... лекин Николай Гумилёвнинг ўгли бўлиш, Анна Ахматованинг ўгли бўлиш нихоятда огир эди...
1949 йилнинг 6 ноябрь куни (атайлаб байрамдан бир кун аввал!) терговчи майин-майин кекирибгина Анна Ахматованинг хонадонига ташриф буюради ва: «Мадам, уйингизни тинтув киламиз. Сўнгра ўглингизни камокка олиб кетамиз», дейдию чарм папкасидан

ордерни чикариб кўрсатади. Тинтув бошланади. «Гражданка Ахматова»нинг шахсий буюмлари, латта-путталари обдан титкилаб кўрилади. Хўрланган, хакоратланган Анна Ахматованинг асаб торлари чирс-чирс узилади. Анави гўрсўхталар тилаб-тилаб олган ёлгизгина ўглини олдиларига солиб хайдаб кетишгач, шоира жамики кўлёзмаларини, хали эълон килинмаган шеърларини, достонларини битта колдирмасдан ёкиб юборади. Рус адабиёти тарихида факат Николай Гоголь «Ўлик жонлар» романининг кўлёзмасини ёкиб юборган. Ахматова «ёнгин»и тарихда иккинчи ходиса (накл килишларича, камокка олинишидан салгина олдин Абдулхамид Чўлпон хам кўлёзмаларини ёкиб юборган экан). Адибларнинг кўлёзмалардан бошка яна кандай бойлиги борки, курбон килишса!
Лев Гумилёв бу гал ўн йил муддатга озодликдан махрум этилади.
«Дохий»нинг 70 йиллик юбилейи якинлаша бошлайди. Тўкилибгина, абгоргина бўлиб колган Анна Ахматовага «баъзи бир ўртоклар дўстона» маслахат беради: «Илтимос, мадхия ёзинг! Ахир, ўтмишда хам шоирлар подшолар номига касидалар ёзган!» дейишиб, йўл-йўрик кўрсатади... Ахматова умрида илк бора ижодий принципидан чекиниб, Сталинни мадх этиб иккита шеър ёзади (ўша шеърлари зудлик билан «Огонёк» журналида эълон килинган туркумига илакишиб дунё юзини кўради). Ўн-ўн беш йил мобайнида битта хам шеъри шўро матбуотида эълон килинмаган Ахматованинг туркумлари «Огонёк» журналида кетма-кет потирлаб чикиб кетганининг боиси, албатта, «ижтимоий заказ» жуда юкоридан тушганини англатади.
Бирок, Сталин барибир Лев Гумилёвни озодликка чикармайди.
Анна Ахматова камокда ётган ўглига посилкалар жўнатиб, хатлар ёзиб туради. Ажабланарли жойи шундаки, она-бола ўртасида ижодий алока ўрнатилади. Бунга кейинчалик сакланиб колган биргина мактубни далил сифатида келтиришимиз мумкин. Хусусан, 1954 йилнинг 20 сентябрь куни Анна Ахматова фи-докор ўглига бундай деб ёзган экан: «Хозир мутолаа килаётганим Хитой шеърият анталогиясида яна-тагин хунларга дуч келиб колдим. Бу ходиса энди эрамиз-нинг I асрида рўй беряпти. Иккита хитой генерали хунлар томонидан асирга олинади ва 19 йил тут-кунликда сакланади. Биттаси Ватанига кайтиб кетади, бошкаси эса ўтмишини эслаб кўшик айтиб ўтиради. Ўша кўшик инглиз тилига таржима килинган, кофияси йўк. Билмадим, сенга илгари хам ёзганмидим-йўкми, Пекинда 1954 йили инглизча нашр килинган Цуй Юаннинг китобини ўкиб чикдим. Таржимони хитойлик экан. Мана, менинг насрийрок таржимам:

Подшохимга хизмат килиб,
Сахрони чангитиб юриб,
Хунларнинг додини бериб —
Мен ўн минг ли йўл босдим.

Ва хоказо. Анталогиядан ва таржима кораламасидан кўчирмалар олиб юбораётган хатларим сенга етиб боряптими? Эхтимол, улардан сенга умуман фойда йўкдир?» (Анна Ахматова, Сочинения в двух томах, том 1, Москва, из-во «Правда», 1990 йил, 229-бет.)
Бошка бир хатида эса: «Ўзингни асрагин, аччик чойдан ичмагин», деб илтимос килади она. Хойнахой, «аччик чой» деганда аристонлар орасида тансик хисобланадиган «чифир» назарда тутилаётир. «Чифир» хам, «аччик чой» хам охир-окибат юракни ишдан чикаради (хатто отдек бакув-ват О. Балзак хам «аччик кахва»дан ўлади).
Кискаси, Лев Гумилёв камокда ётган вактида хам умр китоби — «Кадимий турклар» учун кимматли маълумотлар тўплайди. Онаси ўглининг кутлуг ишида хамиша мададкор бўлади.

... «Кадимий турклар» китобида Биринчи (Шаркий ва Гарбий) хамда Иккинчи турклар салтанатининг пайдо бўлиш зарурияти, тараккиёти, инкироз сабаблари халол тадкик этилади. Муаллифнинг гувохлик беришича: «Бу китоб 1935 йилнинг 5 декабрь куни бошланган эди. Ўшандан бери бир неча марта кайта ишланди, тўлдирилди. Бирок, кадимий турклар тарихига алокадор жамики бой манбалар тўла-тўкис камраб олинмади; барча муаммолар ёритилди деб бўлмайди. Шу боис бу йўлдаги изланишлар давом эттирилиши шарт» (Л. Гумилёв, «Кадимий турклар», 3-бет. Бундан кейин ушбу китобдан олинган далил-дастаклар «К.т.», фалон бет деб кўрсатилади).
Китоб дебочасида муаллиф «Бу китобни бизнинг биродарларимизга — Шўро Иттифокидаги турк халкларига багишпайман» деб кайд этади. Багишлов хам, китоб качон езила бошлангани тўгрисидаги таъкид хам чукур чогиштирма маънога эга. Тагматн — «нимкоса» теран англанса, муаллифнинг (дафъатан галати туюладиган) фикр-мулохазалари, позицияси тўгри талкин килиниши мумкин.
«Кадимий турк халкларининг, улар барпо этган салтанатнинг тарихи дунё кечмиши силсиласида битта масалага бориб такалади: ўз номларини авлодларига мерос килиб колдирмаган турклар нима учун пайдо бўлдилару нима учун йўк бўлиб кетдилар?» («К. т», 4-бет.) Албатта, масаланинг бу тарзда кўйилиши илмий тадкикот камраб олган давр учун хеч кандай зарар етказмайди. Илмий тадкикот доирасидан чикилса, хайратланишимиз турган гап: хўш, кадимий турклар ўз номларини нима учун авл одлар и га (ўзбек-козок-киргиз-уйгур-коракалпок-туркман...) мерос килиб колдирмаган экан? Ахир...
Дарров бахс бошламасдан «нимкоса»га караш керак: бу китоб Лев Николаевич биринчи марта большевиклар зиндонида ётиб чиккач, роп-па-роса бир ойдан сўнг ёзила бошланган. Шу сабабли Лев Гумилёв «эзоп тили»ни илмий муомалага киритади: китобини «Шўро иттифокидаги турк халкларига» багишлайди-ю, аммо бир пайтлар буюк салтанат барпо этган кадимий турклар бошка эди, хозиргилари бошка — булар энди салтанат барпо килишмайди, уларга шўро салтанати хам бўлаверади, дейди гўё.
Бирок, китобда ёритилган 316 йиллик тарихий (юзлаб) мисоллардан маълум бўладики, кадимий турклар асло йўколиб кетмайдилар. Тўгри, кудратли салтанатлар инкирозга юз тутади, лекин «туркют» (изохи кейинрок берилади) бўлиб тарих сахнасига чикиб келган аждодларимиз гох «турк», гох «кўк турк», гох «ўн ўк», гох «тўккиз ўгуз», гох «уйгур», гох «корлук», гох «лакай», гох «кипчок», гох «киргиз», гох «ўзбек» номи билан дунёни титратаверадилар. Кадимий турклар самандар мисоли ўт-олов ичида тугиладилар ва ўт-олов ичра яшайдилар.
«Кадимий турклар инсоният тарихида улуг мавкега эга бўлсалар-да, лекин ўзлари сон жихатдан унчалик кўп эмасди. Уларнинг салтанати Хитой ва Эрон билан чегарадош бўлиб, бир-бирларига ўзаро таъсир ўтказардилар. Бу мамлакатларнинг тарихи чамбарчас богланиб кетган. Демак, вокеалар даврийлигини хакконий тиклаш учун хорижий мамлакатлар тарихини диккат марказидан кочирмаслигимиз лозим.
VI аср охирларида Турк когооноти гарбда Византия (Рум), жанубда Эрон ва хатто Хиндистон, шаркда эса Хитой билан кўшни бўлган. Тадкикотимиз учун мавзу килиб олинган даврда номлари зикр килинган мамлакатларнинг тарихий ришталари Турк когооноти такдирига узвий богланади.
Турк когоонотининг барпо этилиши инсоният тарихида туб бурилиш ясади. VI асрдан эътиборан хитойликлар Константинополь бозоридаги нарх-наволар билан хисоблашишга мажбур бўлдилар; румликлар эса Хитой императорининг хазинаси билан хисоблашишга

мажбур бўлдилар. Турклар буюк салтанатлар ўртасида факат воситачи бўлиб колмадилар, айни вактда улар Хитой, Хиндистон, Эрон, Рум маданиятлари билан бемалол беллаша оладиган миллий кад-риятларини яратдилар. Кадимий туркларнинг кадриятлари бир тараф-у, лекин улар курган жамият, ижтимоий усткурмалар, мансаб зина-поялари, харб санъати, дипломатия, шунингдек, мамлакат манфаатига бўйсундирилган миллий мафкура тадкикотчини кўпрок хайратга солади» («К. т.», 415-бетлар).
Китобнинг биринчи кисми «арафа»дан (420-546 йиллар) бошланади. Арафа 126 йил давом этади. «Мамлакат дахо фарзандларига жуда узок муддат хомиладор бўлади» (Белинский таъбири), дейдилар. Маълум бўлишича, дунё буюк салтанатга хам узок муддат хомиладор бўлар экан. Сиртдан каралса, «арафа» хийла чўзилиб кет-гандек туюлади. Лекин V асрда Оврупода миллатлар хамон «кўчманчилик» килиб юришганини эътиборга олсак борми, осиёликлар улардан 100 йил илгарилаб кетгани равшан бўлади.

Арафа зое кетмайди. Жужон халки арафада таркиб топади.
«Жужон халки кандай пайдо бўлди деган масала аввал хам бир неча марта кўтарилган-у, аммо узил-кесил ечимини топгани йўк. Бизнингча, масаланинг бу тарзда кўйилиши нотўгри. Аслида, «кандай - таркиб топди?» тарзида кўйилса, тўгри бўларди. Халк бирдан пайдо бўлмайди, аста-секин шакл-шамойил касб этади. Жужонлар халк бўлиб битта элатдан ўсиб чиккан эмас, ўзига хос равишда таркиб топган. Алгов-далгов замонларда йўлдан озган, ёмонотлик бўлиб колган одамлар кўпайиб кетади. IV асрнинг ўрталарида хам ўшандай кимсалар анчагина эди. Улар Тобос хони карорго-хида ёки хунларнинг пойтахтида кун кўролмасдан чўлу биёбонларга бош олиб кетадилар. Хўжайинларининг зулмидан зада бўлган хизматкорлар, харбий хизматдан бўйин товлаган кочоклар, талонга тушган кишлокларнинг ахолиси хам сахрога чекиниб жон саклайдилар. Бундай кишиларнинг тили, дини, элати хар хил эди-ю, факат кисмати битта эди. Хаммаси кашшокликка махкум бўлиб, мана шу кашшоклик уларни бирлаштириб турарди.
Хунларнинг отлик аскарлари сафида хизмат килган Юкйўл деган кимса IV асрнинг 50-йилларида негадир ўлим жазосига хукм килинади. Аммо у пайт пойлаб туриб токка кочади ва атрофига ўзига ўхшаган кочоклардан юзтасини тўплайди. Улар бир илож килиб кўчманчилар билан тил топишади. Сўнг бахамжихат хаёт кечира бошлайдилар. Юкйўлнинг вориси Кўйлук Тобос хони билан алока ўрнатади. Унга ўлпон (от, сувсар, сувмушук мўйнаси каои) тўлаб туради. Бора-бора Кўйлук ўрдаси Жужон номини олади. Ўрда конун-коидаси уруш эхтиёжларига, талончиликка мос эди: кахрамонлик кўрсатган аскарга кўлга киритилган ўлжанинг катта кисми хадя килинарди, кўркок кимсалар эса ўласи килиб таёк билан саваланарди. 200 йиллик ўтган давр мобайнида жужонлар ўрдасида хеч кандай сезиларли тараккиёт бўлмайди. Мавжуд куч факат талон-тарожликка сарфланарди» («К.т.», 11-12-бетлар).
545 йилда жужонлар туркютларни босиб олади. Туркютлар эса ябгу-йапу (унвон — Н. Б.) етакчилигида жужонларга карши кўзголон кўтарди. 552 йилда кўзголон айни авж олган кезларда ябгу-йапу халок бўлади. Кора Иссикхон ябгу-йапу тахтига чикади ва 553 йилда жужонларни тормор килади. Афсуски, ўзи хам курбон бўлади. Огасининг ўрнини эгал-лаган Мугонхон 553 йилдаёк жужонларнинг колган-кутганини туркютлар ватанидан хайдаб солади... Шу тарзда туркютлар дунё тарихи сахнасига голибона кириб борадилар. Ўша йиллари Буюк турк когоонотига асос кўйилади.

Айтмокчи, «Навоий асарлари учун кискача лугат»да айтилишича, «йапу — бино, иморатнинг пойдевори» деган маъноларни англатар экан. Демак, Буюк Турк когоонотига асос солган йўлбошчиларнинг унвони шарифлари «ябгу» эмас, «йапу» бўлган кўринади.

**КУЛТЕГИН НИДОСИ:**
— Беклари оми, халки инсофсиз бўлгани учун, тобгач халки хийлакору таптортмас бўлгани учун, сурбет ва фирибгар оулгани учун, ога ва иниларни бир-бирига карши гиж-гижлагани учун, беклар билан халкни бир-бирига ёмонотлик килгани учун эл тутиб ўтирган, давлат куриб ўтирган турк будун тарикдай сочилиб кетди...

«Кадимий турклар»нинг битта боби «Аждодлар» деб аталади.
«Тобос хонига карам бўлган шимолий Хитойда «Ашинанинг беш юзта оиласи» хам истикомат киларди. «Беш юз оила» илгари хунлар ва сиёнбилар хитойликлардан тортиб олган ўлкада  яшардилар.  Хунлар нинг хокими Мугонхонга Ашина хам бўйсунарди. 439 йилда тобосийлар хунларни маглуб этиб, уларнинг юртини Вэй (Хитой) империясига кўшиб юборади. Ашина эса беш юз оиласини каватига олиб, жужонлар хузурига кочиб боради ва Олтой тогларидан жужонлар учун темир казиб  бера бошлайди.
Ашина унча катта бўлмаган харбий бўлинманинг бошлиги бўлса керак. Долгали III—IV асрлар миёнасида бундай тўдалар тез-тез пайдо бўларди-ю, лекин ном-нишонсиз йўколиб кетарди. Уларни расмона давлат деб бўлмайди.
Хитойликлар Ашина карамогидаги одамларни «тукю» деб атайдилар. П. Пельо бу сўзнинг магзини «турк-ют» деб чаккан. Яъни, «турклар» деган маъно чикади. Лекин кўплик кўшимчаси — «ют» туркча эмас, балки мўгулчадир. Кадимий туркларнинг тилида барча сиёсий атамалар мўгулча кўплик кўшимчаси воситасида ясаларди.
«Турк» сўзининг лугавий маъноси «кучли, чидамли» демакдир. А. Кононовнинг талкинига караганда, жамловчи от бориб-бориб бир нечта уругаймокларни бирлаштирган элат номига айланиб кетган экан. Ўша элат вакиллари дастлаб кайси тилда сўзлашган бўлса-да, аммо тарих сахнасида пайдо бўлган кезларида VI аср мўгул тилини хам тушунардилар. Чунки у пайтлари мўгул тили кабилалараро алока воситаси хисобланарди. Харбийлар, бозорчилар, элчилар хам эски мўгул тилида сўзлашардилар. 439 йилда Ашина Гоби сахросининг шимолий худудига кўчиб ўтади.
Дарвоке, «шина» дегани «бўри» маъносини англатади. Олд кўшимчаси «а» эса хитой тилида хурмат маъносини билдиради. Демак, «ашина» дегани «олижаноб бўри»дир. Араб муаррихларининг асарларида хитойча талкинга мослаштирилмаган холда «Шанэ» кўринишида ёзилади.
Ривоятларга кўра ер юзидаги жамики турк халклари ота ёки она бўридан таркалганини инобатга олсак, «олижаноб бўри» ибораси гайритабиий туюлмайди.
1500 йил мобайнида «турк» атамаси асл маъносини, мохиятини бир неча марта ўзгартирди. V асрда Ашина теварагига тўпланган ўрда аскарлари «турк» номи билан аталган бўлсалар, VI—VII асрларда факат турк тилида сўзлашадиган ахоли шу ном би-лан аталарди. Араблар эса Ўрта ва Марказий Осиёда яшайдиган жамики халкларни, кайси тилда сўзлашишидан катъи назар, «турк» деб атайверадилар. Хуллас, биз ишлатаётган атама хилма-хил маъноларга эга эканини хисобга олиб, масалага аниклик киритиб кўймокчимиз: ушбу китобда тарихи баён килинаётган халк шартли равишда «туркют» деб аталади. Зотан, VI асрда жужонлар билан хитойликлар хам уларни

«туркют» деб атаганлар.
VI асрнинг ўрталарида Ашина авлодлари бутунлай турклашиб кетадилар. Факат унвонларда мўгул тили унсурлари сакланиб колади, холос.
Баён килинган фикр-мулохазалардан кўриниб турибдики, ўзларини «туркют» ёки «турк» деб атайдиган халклар билан турк тилининг пайдо бўлиши ўртасида фарк бор. Замонавий туркий тиллар жуда кадим замонларда пайдо бўлган, лекин «туркют» халки V асрнинг охирларида таркиб топган. Туркий тилли кавмлар ўша замонлардаёк гарбий Олтой худудларини тарк этиб, кадимий булгорлар, канглилар, хунлар яшайдиган элларга таркалиб кетади» («К.т.», 22-25-бетлар).
Автобусда Кўкондан Багдод тумани сари йўл олсангиз, истикболингизга Катта Фаргона канали юмалаб чиккан жойдан ўнг тарафда туркум кишлоклар бошланади. Булар — Ирголи, Болголи, Кувголи, Коракўл ва хоказо. Лекин хамма кишлокларнинг жамловчи битта оти бор — «Кангли» дейилади. Биз болалигимизда «Буларнинг нимаси конли экан?» деб ўйлардик, кўпчилик хозир хам шундай ўйлайди, чунки одамзот болалик-даги таассуротларини умрбод носковокдек кўтариб юраверади. Баъзи билагон кишилар: «Улар ёппасига даштда пиёз экади... ўток пайтида кўлларини чагир тошлар тилиб-ёриб ташлайди... шунинг учун хаммасининг кўли конаб юради — конли; кангли дегани ўшандан бўлса керак», деб «жиддий» мулохаза билдирадилар. Бир хисобда бундай мулохазада хам жон борга ўхшайди. Дархакикат, кадим замонларда канглилар дашту далаларда, чўлу биёбонларда от суриб, сурон кўтариб ўтган; ёвнинг хиди келиб колса, ўзларини мастликка солиб сўлим гўшаларига бикиниб олмаган, балки урхон кўтариб салт юриши, керак бўлса, «салиб юриши» килган — ўлган, ўлдирган, зинхор юртини ёвга ташлаб кочмаган. Аммо, нажот истаб келганлар-га панох берган, имдод сўраб келганларга мадад берган — канглилар мана шундай яшаган. Чунки улар будун бўлган, халк бўлган...
Дафъатан юкоридаги фикр-мулохазалар асоси пучдек туюлиши мумкин. Лекин биз уни асосли деб хисоблаймиз. Негаки, Кўкондан Багдод сари гизиллаб келаётган автобусингиз Кангли кишлоклари туркумини ўнг тарафида (ортида) колдирмасдан, сўл тарафда «Хитой» кишлоклари туркуми бошланади: бири «Катта Хитой», бошкаси «Кичик Хитой» дейилади... Шу хитойлик ўртокларимизни «божин» десак гашлари келади. Билма-дик, «божин» сўзининг лугавий маъноси нима экан? Агар шаркшунос Пельо таклиф этган усулда магзини чакадиган бўлсак, «бож+ин» деган икки бўгинли сўз пайдо бўлади Демак, «бож олинадиган жой, ин, уя» хозирги замон тили билан айтганда,«божхона» маъносини англатса керак. Бундай мулохаза нотўгри бўлиши мум кин. «Ин» кўшимчаси балки хитой ёки мўгул тилида бошкача маънони англатар. Афсуски, «Ўзбек тилининг изохли лугати да «божин» сўзини учратмадик. Хуллас, Кангли кишлоклари нинг сўл тарафи да «хитойликлар» яшайди. Боя «Кадимий турклар»дан келтирганимиз кўчирмада айтилишича, «туркий тилли кавмлар ўша замонлардаёк (эрамизнинг VI асри назарда тутилаётир — Н. Б.) Гарбий Олтой худудларини тарк этиб, кадимий булгорлар, канглилар, хунлар яшайдиган элларга таркалиб кетади». Агар канглилар VI асрда Сирдарёнинг ўрта окимида хам муким яшаганини эътиборга олсак, Гарбий Олтойдан (Хитой тарафдан) туркий тилли кавмлар кондошлари, жондошлари — канглилар панохидан нажот топганини тасаввур килиш унчалик кийин бўлмайди. Зеро, канглилар нажот истаб келганларга панох берган, имдод сўраб келганларга мадад берган... Кўшни кишлокнинг номи масаласига келсак, Хитой чегараларидан келган кишилар, аслида, турклар ёки туркют бўлсаларда, аммо махаллий ахоли уларни бошка туркий кавмлар билан адаштириб-чапкаштириб юбормаслик ниятида «хитой» деб атайди

— шуниси кулай, шуниси ишончли туюлади, шекилли (орадан 1500 йил ўтиб, Нева сохилидан чиккан арслонкалб донишманд хам кадимий туркларни бошкалар билан чалкаштириб юбормасликни кўзлаб, шартли равишда «туркют» атамасини илмий истифодага киритади, яъни файласуф тадкикот жараёнида турк рухига, турк калбига хамоханг бўлган бирдан-бир тўгри йўлни танлайди).

**ТАНГРИДАН КЕЛГАН АМР:**
— Турк будун йўколмасин! Турк будун йўк бўлмасин! Турк будун бўлсин!

«Тарихни хронологиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Даврийликдан (циклдан) вакт масофасига, кетма-кетлик-ка ўтиш — жўнликдан тарихга ўтиш демак. VI асрда турклар хали вакт ўлчамига эга эмасди, факат майсанинг кўкаришига караб вактни белгилардилар. VIII асрда турклар мучал туркумини вакт ўлчами сифатида кабул килади: «хар бир йил битта хайвон номи билан аталади ва 12 йилдан сўнг мучал такрорланади. Ўрта ва Шарк Осиесида яшайдиган барча халклар хозир хам мучал хисобини билади. Мучал качон пайдо бўлган, каерда пайдо бўлган, кандай пайдо бўлган деган махсус муаммо хануз узил-кесил хал килингани йўк, биз бу муаммога атрофлича тўхталиб ўтирмаймиз. Лекин бир нарсани айтиш мумкинки, мучал жанубда пайдо бўлгани аник. Чунки номлари мучал килиб олинган хайвонлар орасида маймун хам бор. Туркларнинг мучал хисобига ўтиши уларнинг халкаро алокалари кучайганини кўрсатади.
Туркларда тарих фалсафаси, хатто унинг икки йўналиши мавжуд бўлган. Масалан, Хитойда таълим олиб келган Тўнюкук — прагматик эди. Унинг фикрича, одам хамма ишни ўзи килади; халк билан хоконнинг фойдасини кўзлаш керак. Мулохазадан кўриниб турибдики, биринчи ўринга шахснинг «мен»и чикяпти, бу — соф волюнтаризм! Айни чогда Тўнюкук ди-ний тушунчаларни-да унутмайди: «Тангри менга билим берди», дейди. Аммо, боя таъкидланганидек, ердаги бошка ишларни Тўнюкук ўз кўли билан килаверади. Бундай акида — деизмдир. (Худони тан олади, лекин унинг табиат тараккиётига дахли йўк деб билади — Н. Б.) Мана шу ўринда Тўнюкукнинг Хитойдан ўрганиб келган билими ўзини кўрсатади» (340-бет).
«ЙИўллуктегин эса масалага бошкача ёндашади. У дунёкараши жихатидан теист эди. (Худо оламни яратган ва уни идора килади деб билади — Н. Б.) Жанг арафасида туркларнинг тангриси Ер-Сув бундай дейди: «Турк будун ўлмагай!» Бундан кўриниб турибдики, Йўллуктегин художўй эди!» (341-бет)

**ЙЎЛЛУКТЕГИН НИДОСИ:**
— Забун такдирингга, кўлдан кетган давлатингга, хор бўлган хоконингга, зор бўлган элингга мотам тут, турк будун! Ўзинг йўлдан адашдинг, ўзинг ёмонларга ёндошдинг! Азиз Ўтукан юртингни ташлаб, бошинг оккан тарафларга кетдинг ва топган-тутганинг шу бўлдики, конларинг сувдай окди, суякларинг тогдай уюлиб етди, ўглонларинг кул бўлди, кизларинг чўри бўлди, хоконинг нобуд бўлди...

660 йилда биринчи Буюк турк когооноти парчаланиб кетади. Аммо эрксевар аждодларимиз мустакиллик, озодлик йўлида курашаверадилар.
«682 йилда Кутлуг кўзголон кўтарди. Кутлуг Эпхоннинг (биринчи турк когоонотининг охирги хокони — Н. Б.) узок кариндоши бўлади. У кадимий турк зобитларининг «тутун» унвонини ўзига мёрос килиб олади... Бундан ташкари, харбий унвонларнинг эски

тартибини, интизомни кайта тиклайди. Оломонни кўр-кўрона равишда курашга тортиш ўрнига аслзодалардан иборат сараланган даста тузади. Мухими шундаки, Ашида, Тўнюкук каби Хитойда таълим олиб кел-ган малакали харбийларни каватига жалб килади. Зиёли кишилар душмаининг заиф томонларини хам, демак, каерига уриш кераклигини хам яхши биларди. Дархакикат, тез орада кураш йўналиши бутунлай ўзгариб кетади. Кутлуг ўзини «Элтериш когоон» деб эълон килади...» («К.т.», 273-274-бетлар).
Ўн бир йиллик тинимсиз жангу жадаллардан сўнг, 693 йилда Кутлуг — Элтериш когоон вафот этади. Унинг иниси Мочур тахтни эгаллайди ва «Копогон когоон» унвонини олиб курашни давом эттиради. Копогон когоон хаети кўп жихатдан ибратлидир. Шундай килиб, империянинг мунтазам армиясига карши курашга факат турклар бардош беради. Хўш, улар нетиб шунга эришди? Кутлуг издошларининг мафкураси бормиди? Куролни топшириб, ёвга таслим бўлиш ва хожалари кошида рохат-фарогатда яшаш ўрнига, сахрога чекиниб кетган баходирларнинг матлаби не эди?
Йўллуктегин томонидан тузилган битикларда Кутлуг — Элтериш когоон тилидан айтилган Хитой тўгрисидаги салбий фикр-мулохазаларни учратамиз: «Бизга чекланмаган микдорда олтин, кумуш, ичимлик, бугдой, ипак берган тобгачларнинг сўзлари ширин, кимматли буюмлари эса мулойимдир. Улар ширин сўзларию мухташам буюмлари билан овлокларда яшайдиган халкларни ўзларига махлиё килиб олди. Содда халкларни якин жойларга кўчириб келтириб, уларни бемаъни киликларга ўргатди», дейилади битикда (Кўлимизда кадимий турк битикларининг асл нусхаси йўклиги туфайли биз рус тилидаги матнни таржима килдик. — Н. Б.). Кўриниб турибдики, Йўллуктегин бобосининг номидан кўчманчилар турмушига Хитой маданияти сукилиб киришига эътироз билдираетир. Боз устига, моддий маданият Хитой мафкурасини кўчманчилар онгига сингдириш воситаси сифатида талкин килинаётир. Конфуций асарларида хам кўчманчиларни бўйсундириш учун айнан шунака йўл-йўриклар тавсия этилади. Демак, Йўллуктегин Хитойда таълим олаётган кезлари Конфуций таълимоти билан танишган кўринади. Йўллуктегин таъкидлайдики, агар халк ўзлигини саклаб колишни истаса, канча пул тўлашларидан катъий назар, асло ёлланма аскарларга ёки жазокорларга айланиб колмаслиги керак. Чунки ёлланма малайларни хўжаиин хеч качон поигохдан юкорига ўтказмайди; жарак-жарак олтин тангалар хам, ипаклар хам карамликни яшира олмайди. Хуллас, Йўллуктегин соткинлик мафкурасига аллакандай хомхаёлларни эмас, балки аник-равшан дастуруламални — когоонотни тиклаш тўгрисидаги дастурни карши кўяди. «Эй турк будун! Агар сен анави тарафга караб кетсанг, халокат ёкасига борасан. Агар Отаюкун элида колсанг, факат ўлпон йигиб келиш учун карвонларни жўнатиб ўтирасан. Мусибат нелигин билмай яшайсан. Хатто Отаюкун авоми бўлсанг хам ўз элингни тузишинг мумкин. Ва сен, турк будун, албатта фаровон бўласан!» («К. т.», 282-283-бетлар).
Элтериш когооннинг васиятлари билан куролланган Копогонхон тарикдай сочилиб ётган турк элига бош бўлади; когоонот панохида турк будунни бирлаштириш гоясини туг килиб кўтаради.
Когоон олдида бир талай ички сиёсий вазифалар кўндаланг бўлиб турарди. Аввап таъкидланганидек, кадимий турклар элида тож-тахт вориси тўгрисида махсус конун бор эди. Ўша конунга кўра, агар тождор ога ўлса — иниси, амаки ўлса — жияни тахтни эгаллаши лозим эди. Тахт отадан болага мерос бўлиб колмасди. Хитойликлар бундай тартибни бемаъниликдан бошка нарса эмас деб хисоблайди, шу боис туркларнинг

анъаналарини назар-писанд килмасдан, ички ишларига хам аралаша бошлайди. Бирок, когоонот тиклангач, турклар эски конунларини хам тиклайди; шу конунга мувофик равишда Мочур — «Копогон когоон» унвонини олиб тахтга ўтиради. Аммо у ёшлигида Хитойда тахсил кўргани учунми, хартугул, тахтни жияни Мўгулёнга эмас, балки ўгли Фугюга мерос колдиришга карор килади. Эски турк конунига, анъанасига хилоф йўл тутабтганини билади, албатта. Шу боис эхтиет чорасини ўйлаб топади, яъни зудлик билан «кичик когоон» мартабасини («шод» — валиахддан юкори мартаба) таъсис этиб, шу мартабани ўглига инъом килади. Жияни Мўгулённи эса гарбий худуддаги нотинч тардушлар элига хоким этиб тайинлайди. Айтиш мумкинки, жияни ёв кўлида ўлиб кетса хам ичи ачишмасди» («К.т.», 286-бет).
Шундай килиб, Копогонхон турк элининг кадимий конунига ўзбошимчалик билан ўзгартиш киритади, конунни ўз манфаатига бўйсундиради. Яъни буюк гоя йўлида жон олиб-жон бераётган буюк ШАХС майда манфаатни эл манфаатидан устун кўйиб юборади. Майдалашади, махдудлашади — паст кетади. Хозирги замон ибораси билан айтганда, гўё турк конунларининг мухим моддасини «тахт вориси тўгрисида»ги халкаро хукук стандартига мослаштиради ва «Энди бизни хитойликлар калака килмайди, энди бизга тиргалмайди», деб аъёнларини ишонтирмокчи бўлади. Ўша пайтларда аъенларўзларини маъкул-беклардек кўрсатган бўлса-да, лекин когооннинг далил-дастакларига асло ишонмайди. Элбошилар ўртасида ички ишончсизлик пайдо бўлади. Афсуски, бу ишончсизликни улар 18 йил яшириб, 18 йил кин саклаб юради. Орадан 18 йил ўтгач, 714 йилда Тан империясининг «буюртма»си билан когоонот карамогидаги уруглар ўртасида уруш бошланади. Эл такдири, мустакиллик такдири хавф остида колган калтис бир пайтда Копогонхоннинг ўзбошимчалиги жуда кимматга тушади — турк будуннинг олтин бошлари бехуда курбон бўлади.
«Бу пайтда донишманд Тўнюкук жуда кексайиб колган эди, энди у турк лашкарига бошчилик килолмасди. 716 йилда донишманд чол 70 ёшга тўлади. Когоонот мустакиллигини асраб колишдек мукаддас ва машаккатли вазифа Култегин зиммасигатушади. Утўрт йил—711-715 йиллар мобайнида карлукларга карши кураш олиб боради ва факат 716 йилда Тамуг тоги этакларида бвни тор-мор килади, уларни Копогонхон тасарруфига бўйсундиради. Лекин бутун эл аллакачон кўзголон гирдобига гарк бўлган эди; Култегин когоонот кароргохига кайтаётиб, йўлда азлар уругининг каршилигига учрайди. Азлар Гарбий Мўгулистондаги Коракўл сохилида янчиб ташланади.
Култегин когоонот пойтахтига келса, уруглар ўртасидаги уруш авж олган бўлади. У кахр-газабга тўлган баходир жангчиларини каватига олиб, изгиллар устига ташланади; тез кунларда изгиллар уруги деярли кириб ташланади, кейинчалик изгиллар-нинг номи тарихдан ўчиб кетади.
Копогонхон жияни Култегиннинг шон-шухратига хасад кила бошлайди. Шу боис 716 йилнинг бахорида тўккиз ўгуз устига ўзи лашкар тортиб боради... Копогонхон кўзголончиларни сахронинг шимолий кумлок худудларига суриб бориб, бутунлай тор-мор келтиради. Бу жанг тўгрисидаги тафсилотлар маълум эмас.
Кейин бойирги уругига навбат етади. Улар 716 йилда Тола дарёси сохилида таслим бўлади. Худди шу жойда тарихий тасодиф рўй беради: голиб бўлиб кайтабтган Копогонхон шахсий сокчилари даврасидан ажралиб чикадию негадир огир ўй-хаёлларга чўмган кўйи ёлгиз ўзи ўрмонда сайр эта бошлайди. Айнан шу ерда киргиндан кочиб кутулган бойир-ги уругининг колган-кутган жангчилари яшириниб турарди. Улар хаёл

суриб юрган чавандозга хамла килиб ўлдиради. Сўнгра Копогонхон боши Хитой элчисига совга килиб юборилади. Бу ноёб совга когоонот худудида бошланиб кетган фукаролар уруши бевосита Тан (Хитой) империясининг буюртмаси эканини кўрсатади.
Копогонхон ўлимидан кейин тахт вориси масаласи кайта кўтарилади. Маълумки, Копогонхон тўнгич ўглига «кичик хон» унвонини инъом этиб, уни тахт вориси килиб тайинлаган эди. Аслида, эски конунга кўра, хозир тардушлар элида хоким бўлиб турган Мўгулён тахтдор бўлиши лозим эди. Масаланинг назарий томони шундай. Амалда эса Култегин турк элининг шубхасиз ягона йўлбошчиси эди.
Култегин дархол ташаббусни кўлга олиб, харбий тўнтариш килади: ўзи кўриклаб турган кароргохга хужум уюштиради. Кўмондон ўринбосари Алп Элэтмиш хам Култегинни кўллаб-кувватлайди. Натижада давлат тўнта-риши голибона нихоя топади. Кичик хон ва Копогонхоннинг барча маслахатчилари катл килинади. Копогонхон фарзандларидан факат ўша пайтлари Хитойда тахсил кўраётган ўгли Мотегин ва Ашид Мими деган кимсага эрга чикиб кетган ўн етти яшар кизи тирик колади, холос.
Култегин эски турк конунини бузмайди, ўзи тахтни эгаллаб олмайди: огасига «Билгихон» унвонини тортик килиб, уни тахтга ўтказади. Билгихон ўз навбатида Култегинни лашкарбоши лавозимига тайинлайди. Акобирлардан факат донишманд Тўнюкук — янги когооннинг кайнотасигина омон колади» («К.т.», 312-314-бет-лар).
Хуллас, 696 йили Копогонхон томонидан ноўрин ислох килинган эски турк конуни турк будун ўглонларининг ноўрин кесилган олтин бошлари эвазига 716 йилда Култегин та-шаббуси билан асл холига келтирилади. Когоонот сунъий офатга — зилзилага учрайди, лекин турк будуннинг уч баходири — Тўнюкук, Култегин, Билгихон когоонотни асраб коладилар, калтис бир вазиятда бутун масъулиятни, савобу гунохларни зиммаларига оладилар, катъият билан харакат киладилар. Буюк гоя — мустакиллик гояси, озодлик ва бирлик гояси уларни мисли йўк синовга дучор килади. Улар синовдан шараф билан ўтадилар ва номларини турк будун тарихига абадий битадилар.

## БИТИКТОШ НИДОСИ:

— Култегин йигирма олти ёшида ёв устига лашкар тортди. Найза бўйли корни ёриб ўтиб, Кўгман йишга кўтарилиб, ёвни уйкуда босди. Култегин Байиркулнинг ок отини миниб хужум килди; бир ёвни ўк билан урди, икки ёвни бир найзага кетма-кет санчди. Култегин остидаги ок отнинг бели синиб кетди. Жанг шу кадар зўр бўлдики, зўрикиб кетган от унга дош бермади, аммо Култегин дош берди, голиб келди.

## ТЎНЮКУК НИДОСИ:

— Хоконни хам кўлга олайин, дедим. Биров аррик бука билан семиз буканинг фаркини тезагидан билса, биров аррик бука билан семиз буканинг фаркига бормас эмиш... Мен Тўнкжук билгич бўламан. Агар Элтариш хокон зафар козонмаганда борми, мен хам зафар кучмас эдим. Мен бўлмасам, Копогонхон турк будунга когоон бўлмас эди, турк будун хам бўлмас эди.

Копогонхон турк будунни боши берк кўчага тикиб кетган эди.
Шубхасизки, Копогонхон буюк жасорат ва буюк харбий истеъдод сохиби эди. Бирок, у кўхна тарихнинг хавф-хатарли ва нихоятда мураккаб бурилишида йўлдан озиб колади; тўгри маънода хам,Кўчма маънода хам тангадек кубш нури тушмайдиган коронги ўрмонга кириб, шафкатсиз ев кўлига асир тушади ва азиз бошидан жудо бўлади. Кейин

энг якин кишиларини хам, азиз кишиларини хам оркасидан гўрга судраб кетади. Чунки «улугворлик ва тубанлик алокага киришган жойда мувозанат йўколади» (Лао Цзи). Копогонхон айнан мувозанатни йўкотган эди. Аникроги, ижтимоий мувозанатни бузиб кўйган эди.
Шахсий манфаат билан миллий манфаат (демак, эл манфаати) ўртасида мувозанат бўлиши керак. Шахсий манфаатдан минг мискол чегириб колинса ва «иктисод» килинган шахсий манфаат улуши миллий манфаатга кўшиб (сарфланиб) юборилса, буни миллатпарварлик дейдилар. Агар миллий манфаатдан бир мискол чегириб колинса ва «уриб» колинган миллий манфаат мисколи шахсий манфаатга сарфлаб юборилса, буни манфаатпарастлик дейдилар. Буюк бобомиз хазрат Алишер Навоий шахсий манфаат билан миллий манфаат (эл манфаати) тўгрисида бундай дейдилар:
Килса менга минг жафо — бир катла фарёд айламон,
Элга килса бир жафо — минг катла фарёд айларам.
Хўш, кадимий турк когоонотида давлат сиёсати даражасида эл манфаати кандай мавкега эга бўлган?.. «Кадимий турклар» китобида ижтимоий турмушнинг мана шу жабхаси хам батафсил акс эттирилади.
«VI аср Ўрта Осиё учун иктисодий ва маданий юксалиш даври бўлди. Мухташам шахарлар кад кўтарди, кўркам бог-роглар барпо этилди, хунармандчилик ва тижорат ишлари ни-хоятда равнак топди. Тажрибали сўгдийлар устамон савдогар-воситачи сифатида ўзларини кўрсатди. Улар Хитой билан Ўрта Ер денгизи миёнасида мунтазам алока ўрнатади; Буюк ипак йўлидан унумли фойдаланади. Бирок, жужонларнинг талончилик юришлари, хайталларнинг (эфталитлар) тинимсиз уруш-жанжаллари тижорат ишларига тўскинлик киларди («К.т.», 41-бет).
Фирдавсийнинг гувохлик беришича, туркютлар босиб борган пайтда сўгдийлар хўнграб йиглай бошлайди. Аммо, хайталлар каватига кириб, туркютларга карши жангга тушишни асло истамайдилар. 565 йилда Насаф (Карши) остонасида бўлган мухорабада хайталлар енгилади ва уларнинг хукмронлигига чек кўйилади («К.т», 40-бет).
Бепоён чўлу биёбонларни ва Сўгдиёнани тасарруфига олган туркютлар тижорат учун кулай имконият яратади. Сўгдийлар туркют когоонотининг садокатли табъасига айланади. Когоонот учун хам бундай садокатли табъа нихоятда фойдали эди. Хайталлар билан Шимолий Хитой хокимияти тор-мор этилгач, туркютлар факат сиёсий жихатдангина ; эмас, айни чогда иктисодий жихатдан хам кудратли кучга эга бўлади. Гарб билан Шаркни боглайдиган Буюк ипак йўли энди уларнинг их тиёрига ўтиб колади. Тижоратдан катта фойда кўриларди. Хитойликлар кироличалари учун Эрондан кимматли кош бўёклари келтирарди. Эрон гиламлари хам ноёб I махсулот хисобланарди. Бундан ташкари, Кизил денгиздан олинадиган марваридлар, асл дурлар, Сурия ва Мисрнинг газмоллари, Кичик Осиёнинг гиёхванд моддалари хам Хитой бозорларида харидоргир хисобланарди. Албатта, тижорат ишларида ипак алохида мавкега эга бўларди: Август давридан эътиборан (Август — эрамиздан аввалги 31-йилда куйиккан Рим саркардаси Марк Антоний билан Миср кироличаси Клеопатранинг бирлашган кўшинлари устидан мутлак галабага эришган жахонгир сўнг ўзини «Рим императори» деб эълон килади; эрамизнинг 14-йилида вафот этади — Н. Б.) Оврупога : ипак махсулотлари олиб бориларди.. Византия империясининг ипакка бўлган эхтибжи жуда катта эди: ипак факат аркони давлат ва аслзодаларнинг талабини кондириш учун сарф-ланмасди, айни пайтда кўчманчилар билан муомала воситаси — валюта хисобланарди ипак воситасида аскарлар хизматга ёлланарди, мададкор кўшин

тузиларди.
Бирок, Византияни кимматли махсулот билан таъминлаб турадиган йўл Эрон худудидан ўтарди: сосонийлар хукўмати эса карвон йўлларини (тижоратни) муттасил назорат килиб турарди. Эронийлар ипак хомашесининг катта кисмини бож тўлови сифатида карвонлардан олиб колар ва кайта ишлов берилган тайёр махсулотларни ўзлари истаган бахода Гарб мамлакатларига сотар эди («К.т.», 41-43-бетлар).
Эрон хукумати ипак савдоси масаласида хеч ким билан хеч кандай битишувга йўл кўёлмасди. Агар катта микдордаги ипак тўгридан-тўгри Византияга ўтказиб юборилса, бир неча йилдан сўнг Евфрат дарёси сохиллари ёлланма аскарларга тўлиб кетарди: Эрон бутун ахолисини оёкка тургазган такдирда хам Византиянинг ёлланма кўшинлари хамласини кайтара олмасди. Ипак махсулотларининг хаммасини мамлакат ичкарисидаги бозорда сотамиз дейишса, ахолининг харид куввати кўтармасди — камбагал эди. Шох салтанати манфаатини кўзлаб ипак сотиб олишга мажбур бўларди; жарак-жарак пошшойи тангаларидан воз кечарди. Аммо бу тангалар Шарк оламида манфаатдор сиёсат юритиш учун нихоятда зарур эди. Айни чогда Византия империяси учун Гарб оламида манфаатдор сиёсат юритиш учун ипак нихоятда зарур эди (45-бет).
Эронийлар билан аварлар томонидан кисди-кафасга олинган Византия империяси туркют когоонотидан иттифокчи сифатида фойдаланишга зўр оеради. Бир неча йил давомида турк-ютлар кошига Евтихий, Иродион, Павел Киликий, Анангаст бошчилигида элчилар юборилади. Агар мана шу саъй-харакатлар самарали бўлса, Шарк билан Гарб миёнасида мустахкам кўприк бунёдга келарди. Афсус-ки, тарих бошка ўзандан кетади (47-бет).
Аварлар Византия империяси билан пинхоний битим тузади ва давлат мустакиллигини Византия томонидан эътироф эттиради. Туркют когооноти манфаатларига зид ўларок, Буюк ипак йўлида яна битта давлатнинг пайдо оўлиши когоонга маъкул келмайди. Натижада Буюк турк когооноти билан Византия империяси ўртасига совукчилик тушади. Шу боис 576 йили Валентин бошчилигида ташриф буюрган Византия элчилари хушламайгина кутиб олинади. Элчини вилоят хокимларидан бири кабул килади ва баландпарвоз кутловга жавобан хоким бундай дейди: «Ўнта тилию битта блгони бор ўша румлик сизми?» Тин олиб, хоким ўн бармогини огзига тикиб кўрсатади, сўнг давом этади: «Худди менинг огзимда ўнта бармок бўлгани каби румликларнинг огзида ўнта тили бор экан. Битта тилингиз билан бизни алдайсиз, бошка тилингиз билан эса бизнинг кулларимизни — аварларни аврайсиз...»
570-576 йиллар давомида туркютлар Шимолий Кавказни бўйсундиради. Уларнинг мадади билан Византия тавсия килган номзод Гуарам Багратид (575 йил) Шимолий Кавказга хоким этиб тайинланади. Лекин Византия когоонотнинг гарбий худудларига чегарадош ўлкада аварлар давлати барпо этилишига имкон яратади. Яъни туркютларнинг орка тарафидан зарба берилишига шароит тугдиради. Окибатда икки орада энди йўлга кўйилабтган алока узилиб кетади. 576 йилда туркютлар Боспор шахрини ишгол килади. Бу ходиса туркютлар энди Византияга карши кураш бошлаганини кўрсатарди... («К.т.», 49-50-бет).
Кўриниб турибдики, Буюк Турк когооноти миллий манфаатга мос келадиган давлат сибсатини ишлаб чикади ва дунё микёсида миллий манфаатларини химоя килишга интилади. Улар Хитой, Византия, Эрон империялари билан теппа-тенг муомала килади.

**БИЛГИХОН НИДОСИ:**

— Биз карлукни хам кўлга ол дик. Аз халки ёвлашди. Улар билан Коракўлда жанг кил дик. Бу пайт Култегин ўттиз бир яшар эди. У Алп Шал чининг ок отини миниб хужум килди, от ўлди. Изгил халки хам ўлди. Тўккиз ўкуз ўз халким эди; еру осмон ўртаси фитнага тўлиб, у хам бизга ёвлашди... Култегин Азманинг ок отини миниб хужум килди..

Такдир такозоси билан Буюк турк когооноти 300 йилдан ортикрок давр мобайнида тарих сахнасида Хитой империясига бн кўшни бўлган. Лекин жон кўшни бўлганми?.. Бу саволга «ха» ёки «йўк» деб жавоб кайтарилса, тарих жўнлаштирилган бўларди. Икки буюк салтанатнинг, икки буюк халкнинг муносабатлари хаёт каби мураккаб бўлган. Улар хар доим бир-бирига муносиб дўст бўлган, хатто ёвлашган пайтларида хам бирбирига муносиб бўлган. «Кадимий турклар» китобининг сахифаларидан бунга бркин мисолларни кўплаб топиш мумкин.
Кўплаб сахройи баходирлар хитойи кўмондон Ли Юан туги остида бирлашади. Улардан: «Хитоймисан ё туркмисан?» деб сўраб ўтиришмасди; миллий гурурни камситмаган холда харбийхизматгаолишаверарди. Сахройи йигитларни сулув хитойи кизларга уйлантириб кўйишарди; бундай оилаларда соглом фарзандлар дунёга келарди. Такдиридан рози бўлга.н йигитлар харбий хизматга жонларини фидо киларди. Хитой империяси шу тарзда равнак топади, каддини ростлайди. Шу тарзда (яъни турк йигитла-ри билан хитойи кизларнинг никохидан) «тобгач» деб ном олган халк тугилади. Уша даврлардаёк Буюк Хитой деворига хеч кандай эхтиёж колмайди: тўгри маънода хам, кўчма маънода хам девор бузиб ташланади. Хитойда хорижий маданиятга кизикиш нихоятда кучайиб кетади. Хатто «Хитойча-туркча лугат» тузилади. Афсуски, ўша лугат хозиргача сакланиб колмаган. Туркий-мусикалар Бэй Чжоу замонидан бошлаб император саройида севиб тингланади. VII асрнинг 20-йилларида империя пойтахти Чананида ўн мингта туркют оиласи истикомат киларди. Уларнинг кийимбошларига, юриш-туришига хитойлик аслзодалар мудом таклид килар, туркий нимарсалар урф бўлиб кетар эди». («К.т.», 176-бет).
Аммо, карс икки кўлдан чикади. «Ўша пайтгача маданий алокалар стихияли тарзда кечган бўлса, 618 йилдан эътиборан бундай алокалар онгли равишда рагбатлантирилди. Кизгин кўтарилиш, улгайиш даври кутлуг жараёнга замин яратиб берди: Суй сулоласи зулмидан безор бўлган хитойликлар оммавий равишда туркют кошига кочиб борарди ва уларнинг кўнокларидан панох топарди. Кўп ўтмай, хитойликлар мехмондўст хўжайинлари билан кондош бўлиб кетарди» («К.т.», 175-бет).
Кадимий турклар нажот истаб келганларга албатта панох берган.
Кадимий турклар имдод сўраб келганларга албатта мадад берган.
630 йилда маглубиятга учраган туркютлар кириб юборилиши мумкин эди. Лекин ундай бўлмайди. Асир олинган Кат Элхон (Хитойнинг ярмини тити-пити килиб юборган туркютларнинг когоони — Н. Б.) император кошига келтирилади. Император унга: «Ахлоксиз экансан! Суй хонадонидан туз ичиб, тузлигига тупурдинг! Халкдан сўрамасдан уруш бошладинг! Хитой дехконларини хонавайрон килдинг! Музокара пайтида кочиб кетдинг!» деб катор айблар такади. Айблар такади-ю, аммо барча гунохларидан кечиб, асир олинган кариндош-уругларини, хизматкорларини когоонга кайтаради. Бир четда тинчгина яшаши учун имконият яратиб беради. Кейинчалик император Кат Элхонни йирик харбий лавозимга тайинлайди. Элхоннинг ичидан зил кетиб, рухан эзилиб юрганини эшитгач, уни Хочжоу ўлкасига хоким килиб юборади. Афсуски, хокимлик мартабаси хам Элхонга таскин бермайди: у доим ўй суриб юради,

мунгли кўшиклар айтиб юради ва уялмасдан хўнг-хўнг йиглайверади. 634 йили Кат Элхон Ватан согинчидан эзилиб-эзилиб вафот этади; уни туркютларнинг расм-русумларига биноан дафн киладилар» («К.т.», 207-бет).
Хитойликларга ва туркютларга етакчилик килган шахслар ижтимоий конъюктуранинг куллари эмасди. Улар буюк гояларнинг куллари эди. Буюк гоялар истеъдодли шахсларни, шубхасиз, янада буюклаштириб юборади.

## ЙЎЛЛУКТЕГИН НИДОСИ:

— Култегин кўй йилида, ўн еттинчи куни вафот этди. Тўккизинчи ойнинг йигирма еттисида азасини ўтказдик. Макбарасини, битиктошини Маймун йилида, еттинчи ойнинг йигирма еттинчи куни батамом тикладик.

Табиатда агар нарсага таъсир киладиган куч бўлмаса, тўгри чизикли текис харакат давом этади ёки мувозанат сакланади. Бу — Исаак Ньютоннинг биринчи конуни. Унинг илмий ифодаси бундай:
«Хар бир жисм унга бирор куч таъсир килмагунча ўзининг тинч холатини ёки тўгри чизикли текис харакатини саклайди».
Афсуслар бўлсинки, фашистлар  устидан козонилган галабадан сўнг собик СССР худудида яна бетаъсир кучлар бош кўтаради: аввал, ВКП(б) Марказкўми карорларида жиддий дўк-пўписалар даври бошланади; уруш йиллари шарафли тарихга нисбатан тўгри шакллана бошлаган жа-моатчилик фикри чалгитилади... Ошкора репрессияга ижтимоий замин яратилгач, «кама-кама» авж олиб кетади. Ўзбекистонда уруш йиллари Жалолиддин Мангуберди тўгрисида тарихий трагедия яратган Максуд Шайхзода таъкиб этилади... Ленинградда эса кадимий турклар тарихини фалсафий идрок этиш билан машгул бўлган Лев Гумилёв хибсга олинади... Худди ўша кора кунларда Лев Николаевичнинг матонатли онаси Анна Ахматова умр бўйи ёзган шеърларию достонларини (кўп кисми хали хеч каерда эълон килинмаган эди) кўлёзма холатида гулханга ташлаб, ёкиб юборади. Бирок, фалокатли кунларда турк баходирларининг ўлмас рухлари Анна Ахматовани бир ўлимдан саклаб колади... Лев Гумилёв эса кадимий туркларга бўлган чексиз мехр-мухаббатини кора кунлардан хам омон-эсон олиб ўтади. Чунки «хар кандай таъсирга унга тенг ва карама-карши йўналган акс таъсир хамма вакт мос келади ёки икки жисмнинг бир-бирига таъсири хамма вакт микдор жихатидан тенг ва карама-карши то-монга йўналган бўлади». Бу — Исаак Ньютоннинг учинчи ко-нунидир. Кўриниб турибдики, жамият конунлари доим табиат конунларидан андоза олади. Лекин кўпинча Ньютоннинг биринчи конунига амал килина-ди-ю, учинчи конуни эсдан чикарилади. Вахоланки, табиат конуни билан хазиллашиб бўлмайди. Вахоланки, табиат конунидан андоза олган жамият конуни билан хам хазиллашиб бўлмайди. Бу масалада хазил харом эканини Лев Гумилёвнинг «Кадимий турклар» китоби исботлаб турибди. Керак бўлса, Лев Гумилёв каби арслонюрак зотлар яна-тагин исботлайверади...

## БИЛГИХОН НИДОСИ:

— Ё сўзларимда ёлгон борми, турк будун! Бекларим, эшитинглар! Турк будунни тўплаб, эл тутишингизни тошларга ўйиб ёздим. Адашиб-айрилганингизни хам тошларга ўйиб, багримни тилиб ёздим. Эй мендан кейин коладиган турк будун, мангу тошларга караб фикр килингиз, мангу тошларга караб зикр килингиз!

**ТАНГРИТОГ НИДОСИ:**
— Эй турк будун! Тепангдан осмон босиб тушмаган бўлса, пастда ер ёрилиб ютмаган бўлса, элингни, давлатингни ким бузди?».

Набижон Боқий

----
1 Доктор Насимхон Рахмон хозирги замон ўзбек тилига ўгирган Ўрхун-Энасой битиклари асосида аждодларимизнинг «нидо»си когозга туширилди (каранг: «Кадимий хикматлар», Г. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1987 йил — муаллиф).